Инв. №
Государственная библиотека УзССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 205 (8. 403) ◆ 1993 йил ◆ 18 ноябрь, пайшанба ◆ Сотувда эркин нархда

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИГИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Буюк Британия Бош вазири жаноб Ж. Мейжорнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иккала давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада тараққий эттириш доирасида шу йил 22—25 ноябрь кунлари Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигига амалий ташриф билан боради.

ХОРИЖЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 ноябрь куни Буюк Британиянинг Рейтер ахборот агентлиги, Би-Би-Си корпорацияси ҳамда мазкур мамлакатда нашр этиладиган «Геральд» газетасининг Марказий Осиё бўйича мухбирлари Жеймс Кинг, Алан Жонстон ва Тимоти Жонстонни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Президент Буюк Британиялик журналистларга Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсий вазият, амалга оширилаётган ислоҳотлар, республиканинг иқтисодий имкониятлари, табиий бойликлари ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонларнинг барча саволларига муфассал жавоб қайтарди.

СУРАТДА: учрашув пайти.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 ноябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

Суҳбатда ҳар икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий соҳаларда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар ҳақида фикр алмашилди. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш, дўстона муносабатларни юксалтириш ҳар икки мамлакат учун фойдали эканлиги таъкидланди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 ноябрь куни умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бюроси директори жаноб Асваллни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, хусусан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, хавфли касалликларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди. Мазкур мўътабар ташкилотнинг бу борадаги ҳар томонлама кўмаги мақсадга мувофиқ экани алоҳида таъкидланди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов иштирок этди.

Маросимда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Нидерландия Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Годерт Виллем Барон де Вос Ван Стейнвейк 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи жаноблари Нидерландлар Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги биринчи элчиси этиб тайинланганидан мамнун эканини изҳор этди. Ўзбекистон раҳбарига мамлакати қироличаси Беатриксхонимнинг самимий саломини етказди. Ислом Каримовнинг Нидерландияга сафари икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов Годерт Виллем Барон де Вос Ван Стейнвейкни шарафли ва масъулиятли вазифа билан қутлаб, элчининг Ўзбекистон ва Нидерландия ўртасидаги дўстона алоқалар ривожига ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

* * *

Шу куни Тунис Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган жаноб Тнани Рида ҳам мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлиғини топширди.

Тнани Рида мамлакатининг серқуёш Ўзбекистон Республикасидаги элчиси этиб тайинланганини буюк шараф деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлади. Ўз фаолияти Тунис ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилишини айтди.

Президент Ислом Каримов элчининг ишонч ёрлиғини қабул қилар экан, Ўзбекистон ва Тунис Республикалари муносабатларида янги саҳифалар очилаётгани ҳар икки мамлакат халқи учун қувончли воқеа эканини қайд этди. Ўзбекистон раҳбари Тнани Рида жанобларини масъулиятли вазифа билан табриклаб, унинг фаолиятига муваффақият тилади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Яқинда Ўзбекистонга қилган сафарим чоғида менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Сизга ҳамда ҳукуматингизга теран миннатдорчилигимни изҳор этаман. Мамлакатингиз олдида турган иқтисодий муаммолар, келажакдаги вазифалар хусусида Сиз ва ҳукумат аъзолари билан бемалол мунозара юритиш имконнятига мушарраф бўлганимни юксак қадрлайман. Учрашувимиз натижасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳот масалаларига амалий ёндашуви, республикангизга иқтисодий кенг қамровлик зарурлиги ва ижтимоий ларзаларсиз ривожланишга нисбатан Сизнинг шахсий интилишингиздан воқиф бўлдим. Жаҳон банки ислоҳот йўллари собиқ Совет Иттифоқи республикалари ўртасида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий андозалари хусусиятига ҳамда ташқи ресурслар заруратн масаласига бўлган талабга асосан бир-биридан фарқ қилишини эътироф этади. Биз Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида узоқ муддатли муносабатлар боғланишини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Бу — Сизнинг молиявий сармоялар бўйича эҳтиёжингизга ва ҳукумат ўтказаётган ислоҳотлар дастурига кўмак берувчи тўловлар нисбатини тезда ўзини қоплайдиган маблағ билан таъминлашга мос тушган бўлур эди.

Мен, шунингдек, Жаҳон банкининг молия билан боғлиқ бўлмаган, холис маслаҳатчи ва ташқи ёрдам бобида рағбатлантирувчилик аҳамиятини ҳам таъкидлашни истар эдим. Биз Ўзбекистон тараққиётига турли шаклда ҳисса қўшиш истагидамиз.

Яна бир бор, жаноб Президент, жуда мароқли ва самарали ташрифим учун ташаккуримни лутфан қабул қилгайсиз.

Алангали шахсий салом билан

ВИЛЬФРИД П. ТАЛВИЦ,
Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти.

* Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунлари бошланди

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

ТАНИҚЛИ шоир ва ёзувчилар, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг санъаткорлари, жаҳонга донғи кетган «Баҳор» ва «Ялла» дасталари, Ҳамза, Аброр Ҳидоятов номидаги театрларнинг, сатира театрининг артистлари, халқ қўшиқларининг моҳир ижрочилари кеча Ўзбекистон пойтахтидан Қорақалпоғистон Республикасига ана шу республикада Тошкент шаҳри маданияти кунларини ўтказиш учун келдилар. Делегацияга Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозилбеков бошчилик қилмоқда.

Байрамлардагидек безатилган Нукус аэропортида тошкентлик меҳмонларни Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Убиниёз Аширбеков, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Ражаббой Йўлдошев, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. Бу ерда қисқа митинг бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон парламентининг бошлиғи Убиниёз Аширбеков республика раҳбарияти номидан ўзбек дўстларни чин дилдан муборакбод этди ва ушбу маданият кунлари икки халқ қардошлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилажагини таъкидлади.

Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозилбеков жавоб сўзида Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарларига, Нукус шаҳрининг барча меҳнаткашларига қизғин қабул учун миннатдорчилик билдирди.

Тошкентдан келган меҳмонлар Қорақалпоғистон адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир Бердах ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Кунинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Жамол Камол, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, «Саодат» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева, шунингдек ҳар икки республика рассомлари, ёзувчилари, шоирлари, драматурглари учрашдилар ва дилдан суҳбатлашдилар.

Тошкент шаҳри маданияти кунлари қатнашчилари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилиндилар. Қабулда таниқли санъаткорлар, адиблар, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Убиниёз Аширбеков меҳмонларга республикада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Кеча кечқурун Бердах номидаги Қорақалпоғистон Республикаси мусиқавий драма театрида Тошкент шаҳри маданияти кунларининг тантанали очилиши ва санъат усталарининг байрам концерти бўлди.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Муҳаммаджон Қорабоев қатнашди.

Тошкент шаҳри маданияти кунлари давомида Қорақалпоғистон киночилари ҳамда ўзбекистонлик кино усталари томонидан тайёрланган ҳужжатли ва бадиий фильмларнинг намойишлари, Тошкент ҳамда Нукус шаҳарлари маҳаллалари комитетлари вакилларининг учрашувлари бўлиб ўтади. Уч гуруҳга бўлинган ижодий делегация 18-19 ноябрь кунлари Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Қўнғирот, Тахтакўпир, Чимбой, Амударё, Таҳиатош, Хўжайли туманларида бўлиб, бу ердаги меҳнаткашлар, туман аҳли билан учрашадилар ҳамда катта концертлар берадилар.

Қардошлик, дўстлик тароналари шу кунлари жаранглаб барчага пойтахтимизнинг оташин саломини етказади.

⊙ Қорақалпоғистон Республикасида бошланган Тошкент шаҳри маданияти кунларига бағишланган бошқа мақолаларни «Оқшом»нинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз.

КЎРГАЗМАГА ҚЎЙИЛДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ўқувчи ёшларнинг техника ижодкорлигини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Болаларнинг ана шу иқтидорини ўстиришда республика ўқувчилар ижодиёти марказида фаолият кўрсатаётган тўгаракларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Ҳозир марказда ўндан ортиқ тўгараклар ишлаб турибди. Уларда уюштирилаётган машғулотларда техникага қизиқувчи болалар ўз истеъдодларини ўстириб, қизғин ижодий ишлар билан шуғулланмоқдалар. Бу ерда электроника, радиотехника, ракетасозлик бўйича ташкил этилаётган машғулотлар айниқса қизиқарли олиб борилмоқда.

Техника сирларини пухта ўзлаштириб бораётган умидли болалар томонидан ясалаётган турли модел ва қурилмалар малакали мутахассислар қўлидан чиққан буюмлардан қолишмайди. Бир гуруҳ ўқувчилар ясаган ҳарбий самолёт макети энг яхши техник ижод намунаси деб топилди.

Радио тўгараги аъзолари изланишлари ҳам кишини қувонтиради. Улар қўлидан чиққан радиоэлектрон аппарат ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ишлаб чиқариш моделлари нусхалари ҳам тайёрланди. Ана шу ижодий изланишлар натижалари энг яхши экспонатлар сифатида яқинда Ўзбекистон ўқитувчилар уйида ташкил этилган республика болалар техник ижодиёти кўргазмасига қўйилди.

Марказнинг ёш техниклари ясаган буюмлар республика миқёсида уюштирилаётган кўрик ва мусобақаларга ҳам тақдим этилади.

Алишер АЗИМОВ.

«ОРЗУ»НИНГ ИБРАТЛИ ИШИ

НОГИРОНЛАР Н И Н Г «Қонот» маданий маркази фаолияти янада жонланиб кетди. Марказ маданий тадбирларни амалга ошириш билан бирга турли спорт мусобақаларини йўлга қўйишда ҳам раҳнамолик қилмоқда.

Ҳозир «Орзу» спорт клуби ҳам марказ ёрдамида бир қатор режаларни амалга ошириб келмоқда. Мазкур клуб ҳузурида бир йўла саккизта спорт секцияси ишлаб турибди.

«Орзу» клубини ташкил этишда парашют спорти бўйича жаҳон рекордчиси И. Фасхутдинов бош-қош бўлган эди. Бу фидойи спортчининг саъй-ҳаракатлари билан истеъдодли ногиронлардан иборат бадиий ансамбль тузишга киришилди.

Ушбу ижодий гуруҳнинг келгусида хорижда ижодий сафарларда бўлиши ҳам кўзда тутилмоқда. Америкада ўтадиган ногиронларнинг халқаро олимпиадасида қатнашиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун санъат аҳли янги томоша дастурини тайёрлайди.

Олим БОБОЕВ.

Тасвирдаги қизлар республикамизга машҳур бўлган «Ўзбек қоғози» ҳиссадорлик корхонасининг илғор ишчилари саналади. Бу ерда кўплаб ёш ишчилар ишлашади. Улар ҳар бир тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини эҳтиёт қилиб, сўнг қадоқлашга жўнатишади. Опа-сингил Бойбалатовалар Германиядан келтирилган «Беломатик» линиясида ишлашни яхши йўлга қўйиб олишган. 72 варақли умумий дафтарларни саралашда уларга тенг келадиган йўқ.

Виктор Багаев суратн.

⊙ Бугунги кун нафаси ⊙

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

⊙ Фарғона ва Наманганда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар маҳкамасининг халқ хўжалиги тармоқларидаги тўққиз ойлик иш якунларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

⊙ Бугун давлат мустақиллигимизнинг рамзи бўлган Ўзбекистон Давлат байроғи қабул қилинган кунга икки йил тўлди. 1992 йилнинг 2 март куни Ўзбекистоннинг Давлат байроғи биринчи бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида кўтарилган эди.

⊙ Тикув машиналари ишлаб чиқарадиган «Тиксанти» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси жамоаси жаҳон бозорида рақобатлашадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Андижон туманининг Оқёр мотор таъмирлаш заводи ҳузурида барпо этилган бу корхонада ишлаб чиқарилаётган тикув машиналари 37 жараённи бажаради.

⊙ Ўзбекистон билан Туркия ҳукуматлари ўртасидаги аҳдлашувга мувофиқ Хоразмда шакар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона қурилмоқда. Хазорасп туманида бунёд этилаётган бу заводда йилига 40 минг тонна маҳсулот тайёрланади.

⊙ Гематология ва қон қуйиш институтида наслдан ўтадиган оғир хасталик — гимофалияни даволашнинг янги усули ишлаб чиқилди. Ҳозир бу ерда қон ўрнини босадиган янги дори синовдан ўтказилмоқда.

⊙ Республикаларо «Спортлото» ва «Спортпрогноз» лотереяларини ўтказиш 49-тираждан бошлаб тўхтатиладиган бўлди.

⊙ «Оқшом» муштарийларига шуни хабар қиламизки, техник сабабларга кўра «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари келаси ҳафтадан бошлаб душанба, чоршанба ва жума кунлари олти саҳифали бўлиб чиқади.

⊙ Ноябрь ойининг иккинчи ярмида нохуш келадиган кунлардан муштарийларимизни хабардор қилмоқчимиз: 22, 23, 24, 25 ноябрь кунлари ўз соғлиғингизга айниқса эҳтиёт бўлинг.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Кеча Россия Президенти Борис Ельцин Тулага қилган ташрифининг иккинчи кунида Тула гвардиячи ҳарбий-десант дивизиясига борди. Ўқув марказида Президент ва Россия вилоятлари ҳамда минтақаларининг маъмурий бошлиқлари ҳарбий техникани кўздан кечирдилар, бўлинмаларнинг шахсий таркибида хизмат қилувчи аскарларнинг ҳаракатларини кўрдилар, шахсий таркиб ва техниканинг тактик машғулотларида бўлдилар.

⊙ Россия Ташқи ишлар вазири Андрей Козирев кеча Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов билан учрашди. Чегара муаммолари, рубль зонаси масалалари учрашув марказида бўлди.

⊙ Борис Ельцин Россия Федерацияси давлат герби лойиҳасини ишлаш бўйича комиссияни ташкил этди.

⊙ Россия Федерацияси Президентининг фармойишига мувофиқ В. И. Ленин Марказий музейи кечадан бошлаб бекитилди. Ана шу бинода Москва шаҳар думасини жойлаштириш режалаштирилмоқда.

⊙ Икки миллионлик Харьковда турар жой туманларига иссиқ сув бериш тўхтатилди.

⊙ Украинанинг миллий банки кечадан бошлаб 100.000 карбованец қийматидаги пулларни муомалага чиқарди.

⊙ Молдова ўзининг миллий валютасини жорий қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг муддатлари ҳам аниқланди. Лей 29 ноябрга қадар жорий қилинади.

⊙ Кеча бўлиб ўтган Москва банкларо валюта савдосида АҚШ 1 долларининг қиймати 1201 рублни ташкил этди. Бу аввалги кўрсаткичдан 7 рубль кўп демакдир.

⊙ Москвадаги «Россия» санъат қошонасида «МДҲ дўстлари учрашуви» шиори остида санъат усталарининг чиқишлари бўлди. Унда «Ялла» дастаси ҳам қатнашди. Ушбу концерт ёзиб олинди ва у ойнаи жаҳонда кўрсатилади.

⊙ Россия футбол мавсуми якунларига кўра спартакчи В. Онопко энг яхши футболчи деб тан олинди. Собиқ пахтакорчи А. Пятницкий энг яхши уч футболчи сафига кирди.

ХОРИЖДА

⊙ Лондонда ўтадиган халқаро савдода қатнашиш учун «Ўзбексаёҳат» миллий компанияси делегацияси Англия пойтахтига жўнаб кетди. Бу ерда етакчи халқаро компаниялар ва хусусий фирмалар билан шартномалар имзолаш кутилмоқда.

⊙ АҚШ Президенти Билл Клинтон Минскка ташриф буюриш бўйича таклифни қабул қилди. У келгуси йилнинг январь ойида Беларусга келади.

⊙ ГДР разведкасининг собиқ раҳбари 70 ёшли Маркус Вольф федерал суднинг ҳукми билан «шу лавозимда ишлаган пайтида ГФР хавфсизлигига жиддий зарар етказганлиги учун» етти йил муддат мобайнида қамоқда ўтирадиган бўлди.

⊙ Миср-Ливия чегарасида 700 дан зиёд ливиялик БМТнинг Ливияга нисбатан жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорига норозилик тариқасида очлик эълон қилди.

⊙ Халқаро валюта фондининг бошқарувчи директори Мишель Камдессю собиқ СССР республикаларининг миллий валюталарни жорий қилганлигини қўллаб-қувватлади.

⊙ Мексиканинг таниқли актрисаси, «Оддий Мария» кўп қисмли фильмда бош ролни ижро этаётган Виктория Руффо ярим ёшли ўғли сал катта бўлгач, Россияга ташриф буюришини айтди.

⊙ АҚШга Россия 1958 йили Арманистонда юз берган операция суратини берди. Маълумки, ўшанда совет реактив қирувчи самолётлари Американинг С—130 самолётини уриб туширган эди.

⊙ Жаҳон ҳамжамияти ҳар йили 3 миллион кишини ҳаётдан олиб кетаётган сил хасталиги билан курашга етарли эътибор бермаяпти. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари ана шундай хулосага келдилар.

* Обуна—94

МАЪНАВИЙ ОЗИҚ ЗАРУР

РЕСПУБЛИКА ўқув-услубий марказининг мактабгача тарбия бўлимида ишлайман. Газетада босилаётган мақолалар серқирралилиги, мазмунан ҳаётийлиги менга ёқади. Айниқса, таълим-тарбия мавзуидаги, ибратли оилалар ҳақидаги мақолалар, шунингдек, «Ҳикмат — бир ҳовуч олтин» рукни остидаги мақолаларни ҳам қизиқиб ўқийман. Айниқса, ўзимнинг соҳам — болаларнинг жисмоний тарбияси бўлгани учун «Соғлом авлод учун» кўрик-танловига келган мақолалар, спорт мавзуидаги материаллар, бу соҳадаги янгиликлар мени жуда қизиқтиради.

Одамлар «Оқшом» газетасини севиб ўқийдилар. Шунинг учун она-бола «Оқшом»га бир йилга ёзилиб қўйдик. Ахир одам фақат ош-нон учун яшамайдику! Ҳар бир инсонга маънавий озиқ ҳам сув, ҳам ҳаводек зарур.

Мавлуда ИСЛОМОВА.
Республика ўқув-услубий марказ услубчиси.

БЕКТЕМИРЛИКЛАР «ОҚШОМ»ГА ЁЗИЛИШДИМИ?

«Тошкент оқшоми»га обуна давом этмоқда. Бектемирликлар газетага обуна бўлишдими? Бизнинг ана шу саволимизга туман ҳокими ўринбосари Хайринисо Мирзажонова қуйидагича жавоб берди:

— Газета ва журналларга обуна бошланиши билан туман ҳудудидаги барча корхона ва муассасалар раҳбарларини ҳокимнятга тўплаб махсус йиғилиш ўтказдик. Унда «Оқшом» газетаси туман ҳаётини атрофлича ёритишга катта эътибор бераётгани, бугунги иқтисодий қийинчиликлар даврида уни иложи борича қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар ҳафтада обунанинг бориши ҳақида корхона, ташкилотлар ахборот бериб туришибди. Ҳокимлик бу долзарб масалани ўз назоратига олган. Ўйлаймизки, келгуси йилда ҳам «Оқшом» обуначилари сони ортади. Бунга биз кафолат берамиз.

Мавлуда МИРЗАЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини фуқаролар орасида кенг кўламда муҳокама қилиб, тушган таклифларни ва билдирилган мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқиб уни такомиллаштиришга қарор қилгани республикамизда кундан-кунга ривожланиб бораётган демократиянинг яна бир муҳим белгиси, деб ҳисоблаймиз.

• «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси—муҳокамада

ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНСА

Умуман, ушбу Қонун лойиҳасига ижобий баҳо бериш мумкин. Шунинг билан бирга менинг фикримча ундаги баъзи бир масалаларга қуйидаги аниқликлар киритилса яна ҳам асосланган бўларди.

Маълумки, сайловга кетадиган харажатлар пухта ҳисоб-китоб қилинса ва кенг оммага маълум этилса турли хил шубхаларга ўрин қолмайди.

Шунинг учун 19-модданинг иккинчи қисмидаги охирги жумла қуйидагича ёзилса мақсадга мувофиқ бўларди: «Бу маблағлар сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун марказий сайлов комиссиясининг шаҳар ва туманлардаги жамғарма банки муассасалари орқали махсус ҳисобига ўтказилади. Ва кенг кўламда газеталарда ёритилиб боради. Сайлов кампанияси тугагандан сўнг тушган маблағлар қандай ишлатилгани тўғрисидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади».

Сайловчилар у ёки бу партия номзодига онгли ва демократик овоз беришида, уларни келажакда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш учун қандай ишларни рўёбга чиқариш тўғрисида асосланган ҳар бир партия дастури билан ўз вақтида таништириш катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун 21-модданинг биринчи қисмидаги «Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинганини тасдиқловчи ҳужжатни» сўзидан сўнг ушбу жумла ёзилса мақсадга мувофиқ бўлади: «келгусида қайси йўл билан Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, мудофаа қувватини ошириш ва халқлар дўстлигини яхшилаш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари олиб бориладиган ички ва ташқи сиёсатга асосланган дастурини марказий сайлов комиссиясига газеталарда эълон этиш учун тақдим этиши лозим».

Бошқа давлатларда ҳамда ўзимизда аввалги Олий Кенгашга бўлиб ўтган депутатлар сайлаш тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзи депутатликка номзодлар хоҳлаган жойларида, бўлар-бўлмас нутқлар сўзлаб ўзларини осмонга кўтарибгина қолмай, балки рақибларини асоссиз ҳақорат билан ерган урадилар. Бундай воқеалар фақат демократияга ҳилоф бўлибгина қолмай, балки жамоат тартибини бузади, одамларни безовта қилади ва депутатликка номзод бўлган шахс рақибининг дилини бегуноҳ оғритади. Шу сабабдан 25-моддадаги «...эшиттиришларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар» деган жумладан сўнг «Номзодларга кўчаларда, бозорларда ва бошқа ташвиқот учун ажратилмаган жойларда ўзларича одамлар тўплаб ташвиқот олиб бориш ва нутқларида номзодлик учун рақибларини ҳақорат қилиш ман қилинади» деган қўшимча қўшилса айни муддао бўларди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтган ва ривожланган давлатларда бўлғуси депутатларни сайлашда парламентларда ўз касбини ва қонунларни яхши биладиган мутахассис фаолият кўрсатишига катта аҳамият берадилар, чунки Олий Мажлисда кўриладиган масалаларнинг тўғри ва ҳаққоний ҳал қилиниши бу омил билан бевосита боғлиқ.

Шунинг учун республикамизнинг Олий Кенгаши ушбу Қонун лойиҳасига таклифларни муҳокама этаётганида келгуси Олий Мажлисда 150 депутатдан нечтаси иқтисодчи ёки қонуншунос, давлат арбоби ва бошқа касбларда меҳнат қилувчи кишилар бўлса мақбул бўлиши тўғрисида қарор қабул қилса ва буни партиялар, вилоятлар ва шаҳар кенгашлари номзодлар кўрсатишда назарга олсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

Аминманки, мазкур Қонун лойиҳаси кенг халқ орасида муҳокама қилинганидан кейин, билдирилган мулоҳазаларнинг мақбулларини эътиборга олиб Олий Кенгаш томонидан қабул қилинса, у Президентимиз И. А. Каримов ҳар томонлама асослаб берган Ўзбекистоннинг ўзига хос йўл билан бозор муносабатларига ўтишига ва республикамизнинг дунёда обрўсининг янада ошишига хизмат қилади.

Омон ҲИКМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институтининг директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.





Ф. Хўжаев номидаги 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг модел цехларида ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Айниқса Бахтиёр Тўлаганов бошчилигидаги 3-модел цехи ишчиларининг меҳнати таҳсинга лойиқ. Улар шу кунларда республикамизда тайёрланадиган чарм хом ашёларидан эркаклар учун этик ва асосий маҳсулотдан чиқадиган чиқитдан болаларнинг туфлиларини ишлаб чиқаришмоқда. Ўнгдаги суратда (чапдан ўнгга) Б. Тўлаганов косиб Баҳодир Орипхўжаев билан тикилган маҳсулотнинг сифатини кўздан кечиришмоқда. Чапдаги суратда эса шу корхонада 24 йилдан буён меҳнат қилаётган Комилжон Тожибоев ҳамда унинг ҳамкасби Қобилжон Умарқориевлар тасвирга туширилган.

Виктор Багаев суратлари.

• ХДП ташкилотларида

СИЁСИЙ МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП Тошкент шаҳар кенгаши юртбошимиз, партиямиз раиси Ислом Каримовнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатининг мазмун ва моҳиятини оммага кенг тарғиб этиш мақсадида турли тадбирларни ўтказаяпти.

Шунга биноан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ўзбекистон ХДПси ташкил этилганининг икки йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг шу йилги тўққиз ойлик иқтисодий кўсаткичларига бағишлаб куни кеча шаҳардаги барча бошланғич партия ташкилотларида навбатдаги сиёсий мулоқот кунини ўтказди.

Бу тадбирларда партия сайлов органлари, халқ депутатлари, ҳокимликлар ходимлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, зиёлилар фаол иштирок этдилар.

Сиёсий мулоқотда қатнашган нотиқлар юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясидаги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисидаги сўзлаган нутқи сессиянинг асосий воқеаси бўлганлигини, депутатлар эътиборига жамият ҳаётининг муҳим соҳаларида ислоҳотларни амалга оширишнинг кенг асосланган дастури ҳавола этилганлигини ифодалаб, бу дастур ўз олдига республика иқтисодий тараққиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишини бош мақсад қилиб қўйган, бу дастурни амалга оширишда республиканинг қудратли саноат, илмий ва маданий маркази сифатида Тошкент шаҳри муҳим ўрин олиши, ундаги бўлиб ўтган сўнгги ислоҳотлар кенг маънода мисоллар орқали уқтириб ўтилди.

Тошкент мармари қайта ишлаш ташкилоти, «Қизил тонг» бирлашмаси, 40-поликлиника, «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотларидан барча иштирокчилар Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш юзасидан олиб борилаётган фаолиятни тўла маъқуллаган ҳолда, ташкилотда бу вазифаларни бажариш юзасидан бундан кейин олиб борилиши лозим бўлган аниқ режалар тўғрисида ҳам фикр алмашдилар.

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти, «Ўздавлатстандарт» ҳамда «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси бошланғич партия ташкилотларининг вакиллари Олий Кенгаш сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қабул қилинганлиги, шу муносабат билан ХДП кенгашлари ва ташкилотлари кенг маънода мисоллар орқали уқтириб ўтилди.

Тошкент мармари қайта ишлаш ташкилоти, «Қизил тонг» бирлашмаси, 40-поликлиника, «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотлари мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси лойиҳасини муҳокамаси устида олиб борган иш тажрибаларига таянган ҳолда Қонун лойиҳаси муҳокамасига яна ҳам фаол киришишлари, уни бундан ҳам такомиллаштириш йўлида ўз амалий таклиф ва мулоҳазаларини билдиришлари лозим эканлиги билдирилди.

Бўлиб ўтган сиёсий мулоқотлар кунида сўзга чиққанлар партиянинг икки йиллик фаолиятига ҳам батафсил тўхталиб ўтишди. Партиянинг бундан кейинги ўз фаолиятида ҳар бир бошланғич ташкилот ташкилий ва тарғибот ишларини олиб боришда ўзларининг биринчи галдаги вазифалари тўғрисида атрофлича фикр алмашди. Партия ташкилотлари Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатни оммага фаол тушунтириш ишларини олиб бориш билан бир қаторда чуқур асосланган ислоҳот йўлини ҳокимият органлари, корхона ва ташкилотлар билан биргаликда амалга оширишда бевосита иштирок этишлари лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Сиёсий мулоқотлардаги иштирокчиларнинг таъкидлашларича, бугунги сиёсий барқарорлик, миллатлар тотувлиги Ўзбекистоннинг мустақиллик ва тараққиёт сари янада олға бориши учун яхши замин яратади. Нотиқлар бугунги вақтинча бўлиб турган иқтисодий қийинчиликлар даврида республиканинг ҳар бир фуқаросидан сабр-бардош, фидокорлик, ватанпарварлик, эзгулик, Она Ватан олдида турган буюк мақсадларга эришиш онларини яқинлаштириш йўлида ижодий интилиш ва иқтисодиётни мустаҳкамлаш мақсадида чинакам виждонан меҳнат қилиш лозимлигини алоҳида қайд этдилар.

Илк бор август ойида Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган ҳамда куни кеча навбатдаги бўлиб ўтган сиёсий мулоқот кунлари ўтказилиши меҳнаткашлар томонидан ижобий баҳоланди. Улар томонидан бундай очиқ сиёсий мулоқотлар тез-тез бўлиб туриши истаклари ҳам билдирилди.

Бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган сиёсий мулоқотлар ўз мазмуни ва моҳияти билан халқимизни ўзаро бирдамликка, ҳамжиҳатликка, миллатлар тотувлигини мустаҳкамлашга чақиради. Мустақиллигимизни янги истиқболлар йўлига олиб чиқишда шубҳасиз кўмак беради.

Нуршод ҒИЕСОВ,
Ўзбекистон ХДПси Тошкент шаҳар кенгаши мафкура бўлими мудири.

БУГУНГИ кунда пойтахтимизнинг кўплаб жойларида турар жой бинолари қад кўтармоқда. Ҳар йили қанчаданқанча уйлар фойдаланишга топширилади. Мавзе ва даҳаларда кўп қаватли уйлар ёмғирдан кейин чиққан қўзиқоринлек тезлик билан кўпайиб бормоқда. Лекин барибир шаҳарда уй-жой муаммоси кўндаланглигича қолмоқда. Чунки пойтахт аҳолиси кундан-кунга ўсиб бормоқда. Табиийки, уларнинг ҳар бирини уй-жой билан таъминлаш керак бўлади.

Шундай экан, шаҳарда энг йирик бинокорлик ташкилоти ҳисобланмиш Тошкент давлат-ҳиссадорлик қурилиш корпорацияси бу борадаги режаларини қандай бажараяпти? Умуман пойтахтда уй-жойларни қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш қай аҳволда? Шу ва шунга ўхшаган саволларга жавоб беришни мухбримиз корпорация раиси Тоҳир Обидович Зокировдан илтимос қилди.

— Тоҳир Обидович, бу йил шаҳримизда навбатда турган кишиларни уй-жой билан таъминлаш борасида корпорация қурувчилари қандай ишларни амалга оширмоқда? Умуман ўтган тўққиз ойлик режалар бажарилдими?

• Қурилиш майдонларида

Иложини топаётганлар

— Корпорация қурувчилари шаҳарда турар жой қурилиши бўйича муайян муваффақиятларга эришмоқда. Масалан ўтган тўққиз ой ичида 308,5 минг квадрат метр турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. 1994 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 140 та жажжи болаларни ўз бағрига оладиган боғча қуриб битказилди. Бундан ташқари 4500 жойга мўлжалланган ёзги кинотеатрга эга «Туркистон» саройи комплекси, Талабалар шаҳарчасидаги 5000 томошабинга мўлжалланган томошагоҳ, умумий сатҳи 2500 квадрат метрни ташкил этган спорт комплекси ва бошқа маданий-маиший нуқталар қурилишини ниҳоясига етказдилар.

Шу тўққиз ой ичида корпорация бўйича 3 миллиард 553 миллион сўмлик фойда олинди. Бу ўтган йил шу даврга нисбатан 11 марта кўпдир. Жумладан, қурилиш бўйича бу кўрсаткич 2 миллиард 662 миллион сўмни ташкил этди. Яъни, ўтган йил шу даврга қараганда 18 мартага ўсди ва ҳоказо.

Лекин корпорация бинокорлари ана шу муваффақиятларга қарамасдан кўп кўрсаткичлар бўйича ўз режаларининг уддасидан чиқолмай қолдилар. Мисол учун, ўтган йилга нисбатан шу давр ичида ўсиш суръати 85,7 фоизга бажарилди холос. Бу борада айниқса корпорацияга қарашли «Сифат» тажриба-қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, 4-ҳамда 159-трест қурувчилари қолоқликка йўл қўйдилар. Хусусан, 4-трест маъмурияти айби билан Тошкент техника университети ошхонаси ва Тошкент Давлат аграр университети ўқув бинолари ўз вақтида топширилмади. «Сифат» тажриба-қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бунёдкорлари «Чилонзор—30» мавзесидаги бир қатор уйларни фойдаланишга топшириш режасини бажармади. 12-трест қурувчилари эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўқув биносини фойдаланишга топшириш иккинчи марта барбод қилди.

— Бунинг сабаблари нималардан иборат?

— Сабаблари жуда кўп. Бироқ барибир энг долзарб бўлиб турган муаммоларга тўхталишга тўғри келади.

Шулардан бири бизнинг буюртмачиларимиз ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган қўшимча харажатларни тўлашга қурби етмаётганликларидадир. Ўзингизга маълум ҳозир ҳамма қурилиш материаллари турларининг нархи анча ошиб кетди. Хом ашёларнинг нархи қанча ошганлиги эса айни пайтда номаълум. Чунки ҳозир келишилган нарх деган ибора бор. Қанчага келишсанг шунчага олиб кетавер. Аммо барибир нарх бурунгидан анча юқори. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак. Буюртмачиларнинг қилинган ишга ўз вақтида пул тўлай олмаётганлиги (айниқса бунда ширкатчилар олдинда бормоқда) сабабли корпорация қарзига тўлайдиган фоизининг ўзи 3,2 миллион сўмдан ошиб кетди. Шу йил 1 октябргача бўлган маълумотларга қараганда буюртмачиларнинг умумий қарзи 12 миллиард 322 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 5 миллиард 825 миллион сўми шаҳар капитал қурилиш бош бошқармасига тегишлидир.

Бу борада бизга хом ашё етказиб бераётган корхона ва ташкилотларни ҳам тушунса бўлади. Нимага деганда улар ҳам сотадиган хом ашёни тайёрлашда қўшимча харажатга тушган.

Кейин биз бозор иқтисодиёти шароитида кўп малакали ишчиларимизни йўқотдик. Масалан корпорация қурилиш ташкилотларида 26 минг 350 киши меҳнат қилмоқда. Яъни, ҳозир 3 минг 588 та малакали сувоқчи, дурадгор, бўёқчи ва бошқалар етишмайди. Сабаби уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳар хил қурилиш ширкатларида ишлашмоқда. Чунки ширкатчилар бизга қараганда қурувчиларга кўп ҳақ тўлашади. Биз эса буюртмачилар қўшимча харажатларимизни тўлай олмаётганликлари натижасида ишчиларнинг маошини оширишга қурбимиз етмаяпти.

— Хом ашё бўлмаган жойда иш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун корпорацияга қарашли ташкилотларнинг қурилиш материаллари билан таъминланиши қай аҳволда?

— Ҳозирги кунда Ўзбекистондан чиқадиган қурилиш материаллари бизга тўлалигича келиб турибди. Масалан, ҳозир Оҳангарон цемент заводи маҳсулотлари билан қурувчиларимизни тўла таъминлаб турибмиз. Пишган ғишт билан ҳам шундай бўлаяпти. Бироқ шунга қарамасдан қурилиш майдонларига олиб келинаётган ғиштларнинг кўпи сифатсиз. Яланғоч, Келес ҳамда Янгийўл ғишт заводлари ишлаб чиқараётган ғиштлар жойларга етиб боргунча ярми синиб, яроқсиз ҳолга келмоқда.

Лекин Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларидан келаётган хом ашё маҳсулотларини олиш кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Сабаби бугунги кунда бу давлатларга пул ўтказиш жуда қийин бўлиб кетди. Ҳозир ўша ёқдан олиниши лозим бўлган ёғоч, электрод ва металл маҳсулотларнинг камлиги туфайли кўплаб қурилиш нуқталарида иш асосан тўхтаган. Бу эса ишчиларимизнинг вақти бекор кетиб, туриб қолишига олиб келмоқда.

Юқоридаги муаммоларга қарамасдан қурувчиларимиз имкониятларни ишга солишмоқда. Натижада шу тўққиз ой ичида қанчадан-қанча қурилиш нуқталарини қуриб битказишга эришдик. Масалан, сентябрь ойининг ўзида корпорация бўйича 30 га яқин турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. 1-уй-созлик комбинатининг ўзи 70 минг 149 квадрат метр уй-жойларни қуриб битказди. Октябрь ойида ҳам корпорация бўйича 30 га яқин уй-жой ҳамда 20 дан ортиқ маданий-маиший нуқталар фойдаланишга топширилди. Шунинг учун ишлайман деганга қийинчилик баҳона эмас. Ҳамма нарсанинг иложи топилади.

Суҳбатдош Ғулом ЮСУПОВ.

• Мини бир касб

КАМОЛОТ ЙЎЛИ

УЛАР бир оилада иноқ яшашарди. Зоир ўрта мактабни яхши баҳолар билан тамомлади. Касб танлашга келганда кўпдан бери дилида сақлаб юрган режасини акаси Тоирга айтди.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, укажон. Ҳайдовчилик жуда нозик касб. Қишнинг совуғи, ёзнинг иссиғида машина бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Бу касбга меҳр қўймасанг, қоқилиб қоласан.

— Чўчиманг, акажон. «Сенга машина ҳайдашни ўргатиб қўяман» дея неча бор айтгансиз, ўша ваъдангизни унутмаган бўлсангиз бўлгани.

Орадаги жимликни уйга кириб келган Ҳикмат почча бузди.

— Зоир етуклик шаҳодатномасини олибди деб эшитдим, табриклайман.

— Раҳмат почча, мен ҳам энди акамдек машина бошқармоқчиман.

— Дарров-а, Тоир аканг нима деяпти? Илло, бу ҳунар эгаси жуда эҳтиёткор бўлиши талаб этилади...

Ойлар бир-бирини қувиб ўтди. Амалий ҳайдовчилик соатларини акасида ўтаган Зоир «ҳайдовчилик гувоҳномасини оларкан ғайрат ва шижоат билан ишлашга аҳд қилди. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга интилиш — ҳаёт йўлларида бахтга эришишда муваффақият келтирди. 76-йўналишда машина бошқариб миллион чақирим масофани хатарсиз босиб ўтди. Қорақамиш мавзесида яшовчи аҳоли ва талабалардан З.Юсупов номига ташаккур ёзилган хатлар тез-тез келиб ҳамкасблари орасида унинг обрў ва эътиборини янада оширди. Ҳозирда Баҳодир автокорхонада электрчичилангар. Бу масъулиятли вазифада сидқидилдан меҳнат қилади. Ноёб электр жиҳозлари, генератор, ток ўтказгичлар, ўт олдирувчи қисмларни таъмирлашни ёш шогирд тезда пухта ўзлаштириб олди. Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларни енгишда Шокир Мусаназаров, Мирзоир Тўғонов, Дилшод Ҳасановлар Баҳодир билан бирга зиммаларидаги вазифаларни шараф билан оқлаб келмоқда.

Зоир акани «Ёшлик» метро станцияси бекати — «Кўкча» бозори орасида қатновчи 22—86 ТНМ рақамли машинада учратдик. Сочлари сийраклашиб қолган бўлса ҳам хушчақчақ, ҳожатбарор бу ҳайдовчи ишидан жуда мамнун. Бир кунда 270—280 чақирим йўлни босиб ўтади. Бундай хайрли ишда Абдурашид Каримов, Абдувоҳид Зиямуҳамедов, Кошип Зокиров каби чапдаст ҳайдовчилар Зоир акага ҳамроҳ бўлмоқдалар.

— Тажрибали ҳайдовчи Зоир Юсупов шогирдлари кўп устоз ҳайдовчилардан ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда тасарруф бўйича директор муовини Муҳторжон Йўлдошев. — Корхонамизнинг ёш машъаллари Карим Жўраев, Равшан Муҳаммаджонов, Мурод Дадажоновлар Зоирнинг «мева»лари, ҳозирда улар устозлик даражасини ҳам эгалладилар. Фарзанди Камолиддин ҳам ота касбини улуғлаб камолот йўлидан бораяпти.

Ўз касбининг устаси З. Юсупов меҳр ва мурувватли инсон. У акасидан етим қолган фарзандларни вояга етказишда, билим беришда, ҳунарли қилишда мурувватини аямади. Икки хонадон оила аъзолари доим ҳамжиҳат, лабларидан кулгу, юзларидан табассум аримайди. Аҳил ва тинч бўлган уйга барака келади, деган боболаримизнинг доно сўзларига амал қилиш оила жамоаси учун қонун.

Ҳар доим шундай бўлади. Қуёш ўзининг зарҳал нурини тараннум этмасдан Зоир ака, Баҳодир ва Камолиддинлар Келес шаҳридан 3-автобус корхонаси томон йўл оладилар. Уларнинг мақсад ва режалари ҳам бир. Шаҳар транспорти тараққиётига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшиш, йўловчилар манзилини яқин қилиш.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

«Ўзбек қоғози» ҳиссадорлик корхонасида кўплаб ўз касбининг устаси ва юқори малакага эга бўлган мутахассислар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, корхона кейинги вақтда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан таҳсинга сазовор бўлаётир. Шундай инсонлардан бири Баҳром Юнусовдир. У 1986 йилда Санкт-Петербург (олдинги Ленинград) шаҳридаги технология институтининг целлюлоза-қоғоз саноати факультетини тамомлаб шу корхонага ишга келган эди. Ўша давردан буён у кўплаб ишлаб чиқаришга фойдаси тегадиган таклиф ва мулоҳазалар киритди. Ҳозирда ҳам Баҳром ўз устида ишлаш ва сифатли маҳсулот чиқариш борасида изланишлар олиб бормоқда.

СУРАТДА: Баҳром Юнусов иш устида.

Виктор Багаев суратлари.

Ижодий кўрик ғолиби

КОМПЬЮТЕР саводхонлигини ўстириш да мактаб таълимида қўлланилаётган ҳисоблаш техникаси қурилмаларидан кенг фойдаланилмоқда. «Лого—Симпле» деб аталган дастур информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўрганишда муҳим услубий материал сифатида қўлланилмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, ушбу дастурни доцент Ю. Қурбонбоев яратди. Гап шундаки, Тошкент давлат педагогика институтининг компьютер таълими билан шуғулланаётган мутахассис олимлари қатор муҳим дастурлар устида жиддий иш олиб бормоқдалар. Олий ўқув юртининг доценти Ю. Қурбонбоев ҳам шу хайрли йўлда самарали изланиб, таълимни алгоритмлаштириш учун мос «Лого—Симпле» дастурини юзага келтирди.

Ушбу компьютер таълими йўриқномаси ёрдамида информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дастуридан ўрин олган муҳим мавзуларни ўрганишнинг услубий томонлари ҳам ўз ифодасини топган. Бу изланиш энг яхши дастурлардан бири деб топилиб, мактаб таълимида кенг тадбиқ этиладиган бўлди.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси бўйича ўқув-услубий адабиётлар ва педагогик дастурлар республика кўргазмасида доцент тайёрлаган ишланма ҳам энг яхши экспонат сифатида намойиш қилинди.

Тошкент давлат педагогика институтининг доценти Ю. Қурбонбоев бу ижодий кўрикда биринчи ўринни қўлга киритди.

Ваҳоб ВАЛИЕВ.

Шифо ва саломатлик

⊙ БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЕ

⊙ СУРАГАН ЭДИНГИЗ...

⊙ ОЛҚИШГА САЗОВОР

⊙ ҚАШАНДАЛИК — ҚОНИ ЗАРАР

** Тиббиёт муассасаларида*

БЕМОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

МАВЛУДА опа хонасига кириб келганида уни кекса бир киши кутиб турарди.

— Умр йўлдошимнинг қон босими тез-тез кўтарилиб туради, қизим, — деди у. — Ҳозир айрим тиббиёт муассасалари пуллик деб эшитдик. Сизларда ҳам шундайми? Шуни билгани келган эдим.

— Отахон, опоқимни бемалол олиб келаверинг. Қўлимиздан келганича бепул шифолаймиз, — деди Мавлуда опа қариянинг кўнглини кўтариб. — Дори-дармонлар ҳам ўзимизда етарли. Мабодо топилмайдигани бўлса имкониятларни ишга солиб кўрамиз.

Отахон бўлим мудирининг хонасидан мамнун бўлиб чиқиб кетди.

Пойтахтимиздаги 7-шаҳар клиник касалхонасининг терапия бўлимида бундай суҳбатларнинг тез-тез гувоҳи бўлиш мумкин. Сабаби, беморларни зарур дори-дармонлар билан даволаш, уларга ташхис қўйиш ва муолажалар намунали ташкил этилган. Бўлим мудири Мавлуда Азизованинг таъкидлашича, бу ерда ички касалликлар, қон босими ва бошқа хасталиклар даволаняпти. Замонавий асбоб-ускуналар етарли.

— Шифокорлар барака топишсин, — деди бемор Машкура Саидова биз билан суҳбатда. — Улар нафақат дори-дармонлар, балки ширин сўзлари билан ҳам дардингизга малҳам бўлишяпти. Айниқса Мавлуда опа Азизова доимо хоналарни айланиб, ҳолимиздан хабар олиб турадилар. У киши буюрилган муолажалар ўз вақтида қилинаётгани, дори-дармонлар берилаётгани билан мунтазам қизиқиб, кўнглингизни кўтаради. Шу туфайли мен тез орада соғайиб кетдим.

Бу каби дил сўзларини беморлардан Маъмура Муротова, Шаҳодат Исоқова, Дилфуза Васильева ва бошқалар ҳам изҳор этишди. Қувончлиси шундаки, биргина бу бўлимда эмас, касалхонанинг асаб хасталиклари, болалар хасталиклари, томоқ, бурун ва қулоқ хасталиклари, физиотерапия бўлимларида ҳам барча шарт-шароитлар етарли. Мазкур тиббиёт масканига даво излаб келаётган ҳар бир бемор ўзига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан миннатдор бўлмоқда. Ҳамширалар уқалаш дейсизми, парафин қўйиш дейсизми, хуллас қандай усулда даволаш буюрилган бўлса уларни бекаму кўст бажаришяпти. Касалхонадаги гиёҳ-шарбатлар тайёрланадиган хонада эса керакли шарбатларни истеъмол қилиб, саломатликни тиклаш мумкин.

Собир БОЗОРБОЕВ.
СУРАТЛАРДА: терапия бўлимининг мудири Мавлуда Азизова беморни кўздан кечиряпти; уқаловчи-ҳамшира Илмира Хожимуротова навбатдаги муолажани бажаряпти.

Виктор Багаев суратлари.

** Мутахассис маслаҳати*

Тамакидан зўраювчи хасталик

ИНСОН умрининг узун бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири тоза ҳаводир. Шунинг учун бир аср ва ундан ортиқ умр кўрганларнинг аксарияти тоғли жойларда яшаган ҳамда тоза ҳаво билан нафас олган одамлардир. Ҳозирги вақтда саноат ва транспортнинг жуда тез тараққий этиши натижасида шаҳарларнинг ҳавоси секин-аста ифлосланиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, кўпгина давлатлар бутун чоралар билан ҳаво ифлосланишининг олдини олиш тадбирларини кўраяптилар.

Биз мумкин қадар тоза ҳаво билан нафас олишимиз керак. Лекин минг афсуски, турли хил хасталиклар келтириб чиқарадиган тамаки тутунини одамлар ўз ихтиёрлари билан танага киритадилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрича, ҳозирги пайтда чекиш инсон саломатлигига путур етказувчи, унинг умрини қисқартирувчи, ҳаётини заҳарловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Тамаки тутунининг нафас аъзоларига таъсири жуда катта. Чунки унинг ёнишидан нафас йўлларига заҳарли бўлган эсхин кислоталар, 20 дан ортиқ алкоголлар, 27 хил альдегидлар ва кетонлар, 80 хил рак келтириб чиқариши мумкин бўлган бирикмалар ва радиактив моддалар кириб келади. Аввало тамаки тутуни нафас йўлининг шиллиқ қаватини қитиқлайди. У ердаги шиллиқ безларнинг ишини кучайтиради. Натижада балғам ҳосил бўлиши кучайиб, уни ташқарига чиқариш зарурати туғилади. Яъни йўтал ҳосил бўлиб, чекувчилар безовталанади.

Тамакини доимо чекиш нафас йўлларининг шиллиқ парда тўқималарининг доимий қитиқланишига сабабчи бўлади. Бунинг оқибатида у тўқималарнинг ҳужайралари фаолиятини бузади. Бу деган сўз ҳужайраларнинг турли таъсиротларга нисбатан, шу жумладан микроорганизмларнинг таъсирига нисбатан чидамлилиги сусайиб, шиллиқ қаватларнинг яллиғланиши — сурункали трахеит, бронхит, альвеолит каби касалликлар ҳосил бўлади. Шунингдек ўпка тўқималарининг турли таъсирлардан ўзини асраш хусусияти (чидамлилиги) камаяди. Бу эса ўпканинг турли касалликлари, чунончи, зотилжам, сил, рак ва бошқаларнинг келиб чиқишини осонлаштиради. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, чекиш таъсирида нафас марказининг иши ўзгаради ва ўпка ҳавосининг янгиланиши, тизими ва газ алмашиниши бузилади.

Чекувчиларда ўпка сили билан касалланиш чекмовчиларга қараганда бир неча марта кўп учрайди. Шунингдек, бир хил дорилар берилишига қарамай, чекувчи беморларнинг силдан тузалиши чекмовчиларга қараганда икки марта кеч юзага чиқади ва кўпинча ўпкада каттагина из қолдириш ҳисобига ҳосил бўлади. Яна шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, кейинги вақтларда олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатишича, тамаки таъсирида сил касалини келтириб чиқарувчи микробактерия бўлиниб, унинг кўпайиши тезлашар экан. Бу деган сўз силнинг ривожланиши тезлашади дегакдир.

Тамакининг юқорида кўрсатиб ўтилган зарарларини ва концероген сифатида хавфли эканини назарда тутиб, чекишни камайтириб бориш ва ниҳоят уни умуман ташлаш керак. Кўпинча, чекишга ёшликда катталарга тақлид қилиш натижасида ўрганилади. Шунинг учун чекишнинг олдини олишни ёшлар ичида тушунтириш ишларини олиб боришдан бошлаш лозим. Бу соҳада оила бошлиқларининг, педагог ва бошқа тарбиячиларнинг роли ниҳоятда каттадир.

Чекишни ташлаш асосан кишининг иродасига боғлиқ. Агар инсон онгли равишда ирода билан ташламоқчи бўлса, унга ёрдам бериш осон. Бунда шифокорнинг кўрсатмаси билан цитизин, лобелин ва унинг препаратлари, «Табекс» (унинг асосини интизин ташкил этади), «Лобесил» (асосини лобелин ташкил этади) дориларини ичиш буюрилади. Шунингдек, тамаки тутунини оғизда жуда ёқимсиз қилиб таъсир эттирувчи кумуш тузи, мис тузи, протарген, каллорген каби моддалар қўлланилади.

Раҳмат АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди.

МИНГ БИР САВОЛ

⊙ Хонадонимизда горчица бор. Ундан қўлда горчичник тайёрламоқчи эдик. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангизлар.

С. ОБИДОВА,
Юнусобод туманидаги Гвардиячи кўчасида яшовчи уй бекаси.

БУНИНГ учун 1 ош қошиқ горчицага 1 ош қошиқ буғдой уни қўшилади ва аста-секин аралаштириб туриб, бир текис бўтқасимон масса ҳосил бўлгунча иссиқ сув (45—50 даража) қуйилади. Эфир-горчица мойи ҳосил бўлишига эришиш мақсадида 30 минут қуйиб қўйилади. Сўнгра уни икки қават докага ёки керакли ўлчамдаги латтага унча қалин қилмасдан (0,5 см.) суртиб, устидан доканинг иккинчи қавати ёки қоғоз қўйилади. Шундан сўнг у терига қўйиб, устидан боғланади. Шуни унутмаслик зарурки, бу горчичниклар фабрикада тайёрланганларидан анча кучли. Шу сабабли тери куйиб қолмаслиги учун уларни ўз вақтида олиш лозим.

⊙

⊙ Негадир дам-бадам жиғилдоним қайнаб туради. Бундай пайтда ўзимни жуда ноҳуш сезаман. Шу хасталикдан қутулиш мумкинми?

Д. МАМАДАЛИЕВ,
меҳнат кексаси.

АВВАЛО шуни эслатиб ўтиш жоизки, жиғилдон қайнаши қизилўнгач шиллиқ пардасига кислотали меъда суюқлиги тушганда пайдо бўлади. Аксари меъда ширасининг ортиқча бўлиб, унда кислоталар кўпайиб кетган маҳалларда учрайди. Лекин баъзан кислотаси нормал ёки пасайган одамларда ҳам бўлиб туради. Жиғилдон қайнаши одатда гастритлари бор касалларнинг меъда ширасининг секрецияси кучайган ҳолларда, шунингдек, меъда-яра касаллиги бор беморларни безовта қилади. Жиғилдон қайнаб турадиган бўлса сабабини аниқлаш керак. Уни бартараф этиш учун эса ярим стакан сут ичиш ёки ишқор: тенг баравар қуйдирилган магнезия аралаштирилган натрий гидрокарбонатдан бир чимдим ичиб олиш тавсия этилади.

⊙

⊙ Ўзим ёш бўлишимга қарамай кўпроқ ҳаракат қилсам дарҳол чарчаб қоламан. Текширтириб кўрсам қон босимим паст экан. Саломатлигимни тиклаш учун қандай муолажалар қилишим зарур?

С. ОМОНБОЕВА,
талаба.

ҚОН босими паст беморлар вақтида дам олиб, вақтида ишлашлари, бир кечакундузда 8—9 соат ухлашлари, ётган жойдан жуда тез туриб кетмасликлари, аввал уч-тўрт марта чуқур нафас олиб, қўл-оёқларини қимирлатиб, сўнгра аста-секин туришлари керак. Яхшилаб дамланган чой ичиб туриш мақсадга мувофиқдир. Кун исиганда намланган сочиқ билан баданни ҳар куни белгача артиб туриш, дармондориларга бой таомлардан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Мутахассисларнинг маслаҳатлари асосида Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

ДАВОСИЗ ДАРД ЙЎҚ

⊙ Касални даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул, дейишади. Лекин шундай касалликлар борки, улар кишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ташқи муҳит омиллари таъсири натижасида пайдо бўлиши мумкин. Жамоатчи мухбиримиз 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг тери-таносил касалликлари бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Башир Юсупов билан суҳбатлашди.

— Башир Юсупович, тери касалликларининг келиб чиқиши йил мавсумига боғлиқ бўлиши мумкинми?

— Албатта, масалан, ҳар хил эшак еми касалликлари кўпинча баҳор пайтларида, ёки экзема, псориаз деган касалликлар баҳор ва куз фаслларида кўпроқ учрайди.

— Уларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Тери касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ҳар хил. Масалан, гўш касаллигини олсак ёки қипиқли темиратки бошқа касалликларга нисбатан кўпроқ учрайди. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари кўп омилларга боғлиқ бўлиб, кўпинча биз уларни экзоген ёки эндоген омиллар деймиз. Экзоген — бу ташқи муҳитнинг сабабларидир. Ҳозир республикамиз миқёсида кўрадиган бўлсак ҳар хил ўсимликларга кимёвий ишловлар бериш натижасида одамларнинг терисига кимёвий заҳарли моддаларнинг тушиши оқибатида ҳам ҳар хил касб касалликлари, жумладан экзема касаллиги келиб чиқиши аниқланган. Бундан ташқари қуёш нури, ҳар хил рентген нурларининг таъсирида, ундан ташқари ички аъзолар касалликлари натижасида жигар, ошқозон, ичак, қандли диабет ва йўғон ичак касалликлари оқибатида ҳам ҳар хил тери касалликлари пайдо бўлиши мумкин. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда кўп учрайдигани пес — яъни витилиго касаллиги тана терига ўзининг махсус рангини бериб турувчи меланин деган моддаларнинг кам ёки бутунлай ишлаб чиқармаслиги натижасида келиб чиқади. Ана шу касалликларни пува терапия деган замонавий ускуналар орқали даволаяпмиз. Иккита-учта даволаш курсларини олгандан сўнг беморлар аҳволи анча яхшиланади ва баъзиларида бутунлай тузалиб кетиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари экзема, қипиқли темиратки, эшакем ва шунга ўхшаган сурункали касалликларни ҳам ана шу юқорида айтилган усуллар билан даволаяпмиз.

— Мана ҳозир биз икки беморнинг аҳволи билан танишдик. Улар нимадан касаллиги изоҳлаб берсангиз.

— Бир беморимиз гўш касаллиги билан ётибди. Кўп жойларда даволанган. Вақти-вақти билан тузалиб кетса ҳам лекин охирги пайтларда парҳезни бузиб қўйиши натижасида яна териларига ҳар хил тошмалар тошган. Гўш касаллигида парҳезга жиддий риоя қилиниши керак. Акс ҳолда касаллиқ сурункали ҳолатга ўтиб кетиб, вақти-вақти билан қайталаниб туриши мумкин. У ҳолда даволаш ҳам жуда мушкул кечади. Ҳозирги вақтда бизнинг қилган муолажаларимиз натижасида тери сувланишлари кетди, фақат баъзи аъзоларида тошмалар қолди холос. 3—4 кун ичида тузалиб уйига кетиши кутиляпти.

— Витилиго ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Витилиго, яъни пес касаллиги ҳам жуда тарқалган дард бўлиб, келиб чиқишига ҳали айтганимиздек меланин деган моддаларнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Бу моддаларнинг нима учун етишмаслиги ҳақида ҳар хил фараз-лар бор. Бу беморда қаттиқ стресс, яъни марказий асаб тизимларининг яллиғланиши, дардни ўз вақтида олдини олиб даволамагани натижасида келиб чиққан. Бундан ташқари бу дарднинг ҳам келиб чиқишида ҳар хил назариялар бор. Ҳали айтганимиздек, ташқи муҳитнинг таъсири, ички аъзоларнинг касалликлари, ва ниҳоят парҳезнинг бузилиши каби омиллар муҳим роль ўйнайди.

— Бу касаллик авлоддан авлодга сурилиши мумкинми?

— Гўш, витилиго касаллиги, қипиқли темиратки, бундан ташқари қўтир, эшакем касалликлари авлоддан авлодга ўтади деган назариялар баъзи олимлар томонидан илгари сурилган. Лекин ҳозирда бу нарса амалда тўла тасдиқланган эмас.

— Тиббиёт соҳасида мана шу касалликларни тўлиқ даволаш йўллари ишлаб чиқилганми?

— Даволаш йўллари ишлаб чиқилган, кўпчилик бу касалликларда ҳозирги вақтда дори-дармонларни топиш ҳам анча мушкул. Лекин уларни қўлимиздан келганча даволаяпмиз. Шундай бўлса ҳам беморлар парҳезга қатъий риоя қилишлари керак. Бировларнинг сўзига кириб, ўзларича даволанмасликлари лозим. Шуларга риоя қилишса бутунлай тузалиб кетишади. Яна шу нарсани айтишим керакки, юқорида айтилган касалликлар, айниқса, витилиго касаллиги, экзема касалликлари бизнинг Марказий Осиё халқлари, яъни ўзбеклар бу касалликлар юқади, наслдан наслга ўтадиган касал деб тушунишади. Айниқса оилада витилиго билан бола туғилса уларнинг бошига ташвиш тушиб, турмушга ҳам бериб бўлмайди, келгуси ҳаёти яхши бўлмайди деган ҳар хил гапларни тарқатишади. Булар ҳаммаси нотўғри бўлиб, бу касалликлар, қисқасини айтганда, юқмайдиган, бировдан бировга ўтмайдиган, агар ўз вақтида касаллар бизга келиб ёки ўзининг мутахассисларига келиб даволанса бутунлай тузалиб кетадиган дардлардир.

— Витилиго маркази очилди деяпсиз. Пуллик экан. Ҳозирги иқтисодий оғир, дори-дармонлар етишмаётган пайтда шу нарса ўзини оқлайдими?

— Тиббий хизматимизнинг ҳаммаси ҳам пуллик эмас. Масалан, бизни шу тиббиёт институтимиз жойлашган Бектемир туманидан келган беморларга хизматимиз бепул. Бошқа узоқроқ жойлардан келиш анча мушкул. Чунки транспортга пул керак. Шуларни ҳисобга олиб, улардан белгиланган пул миқдорининг ярми олинади. Қолаверса, нафақат бизнинг марказ балки бошқа марказлар ҳам пулли бўлган, ўзининг белгилаб қўйилган тарифлари бор. Шуларга қараб биз ўзимизда бўлган дори-дармонлар билан ўз ҳисобимиздан уларни даволаймиз.

Султонмурод УМАРОВ суҳбатлашди.

** Эл соғлиғи йўлида*

ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

ҲАМЗА туманининг Янгиобод даҳасидаги 18-поликлиника аҳоли зич яшайдиган ҳудудда жойлашган. У 1966 йилда юз берган табиий офат — зилзиладан сўнг фойдаланишга топширилган эди. Ана шу кундан буён ҳамзаликлар фидойи тиббиёт ходимларидан шифо топмоқдалар.

— Даҳамизда турли миллатга мансуб бўлган одамлар яшаб, меҳнат қилишади. Гоҳо шундай бўладики, назаримизда арзимагандек туюлган хасталик охир оқибат, хунук воқеаларга олиб келади. Бунинг боиси дардни ўз вақтида енгмаганликдандир. Ёки бўлмаса тиббий муолажани ўз вақтида қилмаганликдандир, — дейди биз билан суҳбатда поликлиника бош шифокори Шуҳрат Даминов. — Мана шундай хунук воқеалар содир бўлмаслиги учун туманимиз соғлиқни сақлаш бўлими мутасаддилари, ҳокимлик ва ҳамшираларимизнинг ўз ишларига содиқлиги туфайли поликлиникамизнинг хизмат кўрсатиш қамрови кенгаймоқда. Тиббий хизмат турлари эса ортмоқда. Асосан катталар учун хизмат кўрсатаётган муассасамизга бир кунда 260—300 нафардан зиёд бемор ташриф буюради. 34 минг киши рўйхатимизда қайд этилган. Тумандаги 2-автокорхона, 15-ҳунар-техника билим юртида тиббиёт бўлимлари бор. «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида эса шохобчамиз мавжуд. Умумий ҳисобда 167 нафар шифокор ва ҳамшираларга аҳоли саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Айни вақтда поликлиника ҳудудини кенгайтирдик. Йил бошидан бери 12 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари қилинди. Янги тиббиёт асбоблари келтирилди. Физиотерапия хонаси 3 тага кўпайтирилиб, янги ингалятор асбоблари ўрнатилди. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак хасталигини текширувчи эндоскопик ва лазер аппаратлари олинди. Ҳеч қайси бир поликлиникада мавжуд бўлмаган рентген, тишни даволаш ва олиш (тиш жарроҳлиги) бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек айрим кўп болалали оналарнинг имкониятларини ҳисобга олиб кундузги шифохона ҳам ташкил этдик. Унга иккита хона ажратилди. Бунда касалхонага бориб ётишга имкони бўлмаган беморлар шифокор томонидан тавсия этилган муолажани шу ернинг ўзида оладилар. Улар учун бериладиган дори-дармон ва бир маҳал тушлик овқат поликлиника ҳисобидан бўлади. Ҳомиладор аёлларнинг ҳам узоғи яқин бўлди. Аёллар маслаҳатхонаси учун 3 та хона ажратилди. Бундай қилишимиздан мақсад оналар соғ бўлишса, туғиладиган бола, яъни келажак авлоднинг саломатлигига замин яратган бўламиз.

Жамоамизнинг ҳар бири халқ саломатлиги йўлида ўзларининг билим ва тажрибаларини аямаётирлар. Кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган ҳамширалардан Замира Юнусова, Маъмура Қаршиева, Жамила Қаюмова ва Маъмура Раззоқовалар эл олқишига сазовор бўлишмоқда.

Гулзода МАМБЕТОВА.
СУРАТЛАРДА: 1-даражали тиш даволовчи шифокор Мовлуда Дадаева беморни қабул қилиш жараёнида; ўртадаги суратда (чапдан) жарроҳ ҳамшира Карима Аҳмедова, бош ҳамшира Фарида Муҳамедова ва катта ҳамшира Наталья Бачаровалар дори-дармонларни бўлимларга-тақсимлашмоқда; физиотерапия хонасининг 1-тонфали шифокори Замира Юнусова 28 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилади.

Рустам Шарипов суратлари.

РАҲМАТ, МЕҲРИБОНЛАР

ЁШИМ саксондан ошган. Уч марта жуда оғир хасталикни бошдан кечирганман. Яқинда тўсатдан томирларим тортишиб, баданимда қаттиқ оғриқ бошланди. Ўрнимдан туролмай қолдим. Яхшиям шифокорлар бор экан, жонимга оро киришди. «Тез ёрдам» машинаси мени темир йўл шифохонасининг кардиология бўлимига эудлик билан олиб келди. Шу бўлим мудири Адибахон Юсупова мени обдон текшириб, кейин муолажалар буюрди. Юрак хасталигини даволайдиган дори-дармонлар ва бошқа муолажалардан сўнг яна оёққа турдим. Аввалгидек онлам ва набираларим ҳузурига қайтдим.

Катта тажрибага эга бўлган Адибахон Носирова ва у бош бўлган бўлимнинг меҳрибон шифокору ҳамшираларига барча беморлар номидан ташаккур билдираман.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, халқ таълими аълочиси.

** Маданият хабарлари*

Ёшлар сайли

МИРЗО Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида «Ёшлик оқшомлари — файзли оқшомлар» деб номланган ёшлар сайли шаҳримиз институтларида таълим олаётган талабалар билан гавжум ўтди. Шу куни боққа олий ўқув даргоҳларининг мураббийлари, мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли ижодкорлари ташриф буюрдилар. Улар бугунги авлод олдида турган муҳим вазифалар ҳақида, истиқлолга юз тутган ватанимиз тўғрисида ёшларга ўз сўзларини баён этдилар. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги «Ипак парилари» ашула ва рақс дастаси, шаҳримиздаги санъат олийгоҳида таълим олаётган ёш истеъдодлар ўзларининг маҳоратини кўплаб мухлислар ҳузурида намойиш этиб, устозларидан ўрганган куй ва қўшиқларни ижро этдилар.

Куй қўшиққа уланди

ЮРТИМИЗ истиқлол нурларидан барқ уриб, байрамлар, байрамларга, сайиллар, сайилларга уланмоқда. «Бойчечак» болалар боғида бўлиб ўтган «Даврани кенгроқ олинг» деб номланган ўсмирларга бағишланган байрам ҳам қувонч ва шодликка йўғрилганлиги билан ўсмирлар қалбида узоқ вақт сақланиб қолса ажабмас. Куй ва қўшиқ, қизиқарли ўйинлар, рақс танловлари, билимдонлар беллашувлари, турли спорт мусобақалари билан ўтган ушбу байрам барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Маданият уйларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари ёшларнинг оммавий рақслари билан уланиб кетди.

Маҳаллада адабий кеча

МИРЗО Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишлаб Собир Раҳимов туманининг Завқий номли маданият уйида қизиқарли кеча бўлиб ўтди. «Сатрларда қолган қалб» деб номланган ушбу бадиий мусиқали тадбир туманнинг «Ғалаба» маҳалласи аҳолисига намойиш этилиб мухлислар олқишига сазовор бўлди. Бадиий ҳаваскорлар улуғ шоирнинг ғазаллари асосида саҳналаштирилган кечада Ватан, муҳаббат, замон ва замин тасвирини яққол намойиш эта олганлар. Маданият уйи қошидаги мақомчилар дастаси ижро этган Бобур ғазаллари билан куйланадиган мумтоз қўшиқлар маҳалла аҳли томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Томоша-бинларга манзур

БУНДАН 15 йил муқаддам бу спектакль саҳна юзини кўрган эди. Ўшанда Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик катта опера ва балет театри болакайларга яхши ижодий армуғон ҳозирлаб «Аловиддиннинг сеҳрли чироғи» деган операни тақдим этган эди.

Йиллар ўтиши билан бастакор С. Вареласнинг мазкур эртак операси бу санъат кошонаси саҳнасида бир неча бор муваффақиятли ижро этилди. Айни бир вақтда постановка такомиллаштирилиб, сайқал тошиб борди. Спектаклда театрнинг етакчи ва ёш актёрлари қатнашиб, образларни янада ёрқин талқин этишга эришдилар.

Мазкур спектакль театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. «Аловиддиннинг сеҳрли чироғи» болалар опера асари сифатида хоҳиждан келган меҳмонларга ҳам бир неча бор кўрсатилди.

Санъат кошонаси мазкур спектаклнинг бир юз эллигинчи бор қўйилишига ҳам катта тайёргарлик кўрди. Яқинда болалар эртак операсининг ана шу юбилей постановкаси муваффақиятли намойиш қилинди. Бу сафар ҳам спектакль томошабинларда завқ-шавқ уйғотди.

Акбар АЛИЕВ.

* *Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунлари*

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Хомсемиз гапга аралашди:

— Қўй, бу жаҳлингни, — деди у, — мен сенинг аёлингни танимайман, олиб бориб ташла деди, олиб келдим.

— Танимасанг таништириб қўяй, — дедим тишимни ғижирлатиб.

— Нима бало, уруш чиқаргани келдингми? Ундан кўра меҳмонни уйга олиб кир, — Роза курткамдан тортди.

— Торт қўлингни! — дедим жон ҳолатда орқамга чекиниб.

— Қаёққа? — Роза додлаб юборди...

Узоқ қидирмай кампирнинг уйини топиб олдим. У икки хоналик коммуналқийда яшар экан. Кампир бечора олдимга топган-тутганини қўйди. Уйланолмай Уст-Юртга кетган боласини эслади. «Омонбойимга Розага ўхшагани учрамасин» деб ният қилди.

Кампирга қараб ўтириб ўйладим: «Жойимни Розадан тортиб олиб, кампирга беришим керак. Уни икки хоналигига алмаштираман. Кампир менинг уйимга келин туширади. Менга икки хоналик уй ҳам етади».

Шартта ўрнимдан турдиму, бориб бор гапни миршабхонага баён қилдим. Келсак, Роза мени овулга кетди — деб гумон қилиб хомсемиз билан ётган экан...

Олписбой СУЛТОНОВ

БАХТЛИ БЎЛГИМ КЕЛАДИ

(ҚИССА)

...Давлатназар ҳикоясини тугатди.

«Бошига шунча ташвиш тушиб, қари қизга нега яна сурканаверади» деб ўйладим. Энди ёнимга йўлатмайман деб ўйловдим... Начора, шаърий жуфти-ҳалолим...

Пахта йиғим-терими тамом бўлиши билан тўй бошланди. Ҳар куни тўй. Бу ёқда мен оғир оёқман.

Дўхтурга кўринай деб, азонда кичкина қиз билан шаҳарга кетдим. Бутун йўл бўйи азобда етиб бордик. Ҳориб-чарчаб қош қорайганда овулга кириб келдик. Давлатназар уйда йўқ экан. Кутиб бироз ётдим. Дараги йўқ. «Қаёққа кетди» десам, «Бировнинг туғилган кунига» дейишди.

Кута-кута охири кўчага чиқдим. Во ажабо, қари қизнинг уйида чироқ бор эди. «У кимни кутаётган экан» деган ўй кўнглимга келди. Оёқларим ўша ёққа тортиб кетди. Қари қизнинг эшигида икки йигит хайрлашаётган экан. Қора толни паналаб турдим. Иккаласи чайқалачайқала бир гапни маъқуллашиб ўтиб кетишди. Давлатназар қаёқда экан? Секин деразадан қарадим.

— Давлатназар, сен нега туриб олдинг? Ўтир, уйинг яқинку? — Қари қиз уни қайта жойига ўтиргизди. Давлатназар яна бир пиёла арақ ичди-да йиқилди.

Адойи тамом бўлиб, бир амаллаб уйга етиб келдиму, ўрнимга ўзимни ташладим. Кўзларимдан ёш қуюларди. Бир маҳал белим қаттиқ оғриди. Қайнонамни чақирдим.

— Бояқиш болам, тўлғоқку бу! — деди у куюниб, кейин ҳовлига қараб чақирди, — чол, ҳой чол, туринг, анови тусингни ел егур Давлатназарни топиб келинг!

— Чақириб ўтирасизларми, кетаверайлик ота, — дедим. Унинг қаердалигини, қай аҳволдалигини биламан. Уни элга ошкор қилиб нима қилдим!

Қайнотам кириб келди:

— Турақол болам, аравага чиқиб ўтир, дўхтирга олиб бораман. Овулдаги барча тракторчилар келишиб олгандай маст, ғумбакдай шишиб ётибди.

Аравада анча йўл юрдик. Асфальт йўлга чиққанимизда бир тўлғоқ тутди, олам кўзимга қоронғу бўлиб кетди...

Кўзимни очсам, оппоқ тўшакда ётган эканман. Чеккан азобларим учун Давлатназарни қарғашга сўз тополмасдим. Тушдан кейин бир халта егулик кўтариб келибди: сариёғмией, тухуммией... Ҳаммасини қайтариб юбордим. Қайтардиму қайнонамга ачиндим. Ахир мени деб қанча куймаланган бечора. Давлатназардан олган ўчим эди бу. Давлатназар яна икки марта келди. Кейинги келишида: «Сизни кўрарга кўзим йўқ», — деб хат ёзиб бериб юбордим. Шундан кейин кичкина қиз келадиган бўлди. Йўлда кўзим ёригани учун, дўхтурлар мени анча ушлаб туришди. Шу сабаб уйимдагилар туғруқхонадан қачон чиқишимни ҳам билмай қолишди. Мен уларга хабар бермасданоқ, отамнинг уйига кетиб қолдим.

Уйда яшаётганимда Давлатназар бирор марта ҳам қорасини кўрсатмади. Қайнотам келиб ялинди. Лекин қайтиб боришни истамадим.

Амударёнинг суви қайтди. Уйимизда ҳам унинг шовуллашлари эшитилмай қолди. Бир куни уйимиз яқинидаги қумлоққа баржа тортадиган катер тумшуғи билан тиқилиб қолди. Отамнинг жон-пони чиқиб кетди. Сабаби чироқчи дегани дарёнинг саёз ерларига белги қўйиши керак-да. Катер роса чиранди, барибир қумлоқдан чиқолмади. Охири капитан ШМК (шатак тортувчи моторли катер) сўраб рация орқали мурожаат қилди.

Кечқурун отам катердагиларни уйга олиб келди. Меҳмонларга қўй сўйилди. Капитан бир думалоқ, миқтидан келган йигитни ёрдам учун қозон бошига юборди.

— Сенинг отинг ким? — деди у кела солиб.

— Ойжамол. Ўзингизники-чи?

— Хўжамурот.

— Катерда ким бўлиб ишлайсиз?

— Матрос.

— Матрос деган катернинг ичини ювади, овқат пиширади, барча оғир ишларни бажаради. Сиз нега бунақа оғир иш танладингиз?

— Мен учун қийинчилиги йўқ. Флотда тўрт йил хизмат қилганман. Ўзинг бу ерда нима иш қиласан?

— Ҳеч нима. Кунига уч марта овқат ейман, кейин ўтган-кетган кемаларни санайман.

— Шуми бор-йўқ ишинг!

— Шу, ҳозирча.

— Биз билан юрмайсанми? Барибир катерда яхши.

— Юра олмайман. Кичкина болам бор.

— Э, ҳали эрга текканмисан? Куёв тўра қаёқдалар?

— Уйида.

— Сен ота-онангни кўргани келдингми?

— Йўқ, биратўла қайтиб келдим.

— Қайнота-қайнонанг ёмонмиди?

— Яхши одамлар эди. Эрим аввал уйланган экан.

— Уйланган бўлса ажраган чиқар. Чакки қилибсан.

— Бир тракторчи қиз бор эди. Шунга аввалдан ошиқ-ча ўхшайди.

— Ўзи шунақа бўлади. Ошиқ-маъшуқлар бир-бири билан кўпда қовуша олмайдилар.

— Сен нега унинг ёнини оляпсан? — жаҳлим чиқиб кетди. — Қани, бир жўнаб қол-чи бу ердан.

— Жаҳлинг чиқса ҳам жуда чиройли бўларкансан.

— Хўжамурот, анови кемага қара! — Капитаннинг овози келди.

(Давоми бор).

Бир дарёдан сув ичганмиз

Оролни қутқариш комитети раиси, филология фанлари доктори, профессор Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ билан суҳбат.

— Пирмат ака, сиз қорақалпоқ тупроғида туғилиб ўсган, Тошкент бағрида камолга етгансиз. Бир сўз билан айтганда икки халқнинг фарзандисиз. Қорақалпоқ халқининг маданияти илдизлари иккаларда деб ўйлайсиз?..

— Мен болалигим ўтган қишлоқ ҳақида сўз юритсам: қишлоғимизнинг бир томонида туркман, бир томонида қозоқ, бир томонида қорақалпоқ, бир томонида ўзбек овуллари бор эди. Тўрт овулнинг ўртасида бир мактаб бор эди. Шу мактабда тўрт миллат болалари ўқир эдик. Биз болалар учала тилни ҳам билардик. Мактабдалигимдаёқ «Сайёдхон ва Ҳамро»ни туркман, «Қоблаи»ни қорақалпоқ, Мухтор Авезовнинг «Абай» романини қозоқ тилида ўқиганман. Улар ҳам «Алпомиш»ни ўзбек тилида муҳаббат билан ўқишарди.

Ўзбекларнинг тўйида туркман, қорақалпоқнинг тўйида ўзбек бахшилари достон айтишарди. Туркий халқларда «Дада Қўрқут» достони бор.Туркман бахшилари бу достонни тўйларда айтишарди. Барча бирдек қулоқ тутарди. Мен ана шундай байналмилал муҳитда ўсганман.

Менга қорақалпоқ халқи жуда яқин. Кейинчалик унинг тарихи билан қизиқдим. Ўргандим. Машҳур ёзувчи Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Маманбий афсонаси» трилогияси қорақалпоқ тарихи, маданияти ҳақида батафсил сўз юритади.

Қорақалпоқ халқининг илдизлари туркий халқларнинг маданияти билан боғланиб кетганини таъкидласам дейман. Бугунги қорақалпоқ адабиёти, санъати, маданияти Шарқ ва Ғарб маданиятининг омухтаси сифатида бўй таратган.

Ўрни келиб қолди, бир воқеани айтиб ўтай. 1990 йилда Вашингтонда айланиб юрганимизда собиқ иттифоқ элчихонаси олдидан чиқиб қолдик. Май ойи эди. Элчихона яқинида турган бир одам — яхши кийинган, оқ сариқдан келган экан, плашчини ечиб қўлига олди ва бизга яқин келди. Аввал инглизча, кейин қорақалпоқчалаб «Ассалому алайкум» деди. Турган гапки у кишининг тақдири билан қизиқдик. Ўзи қорақалпоқ экан. Урушда асир тушган, кўп машаққатларни бошидан кечирган, охири Америкага келиб қолган экан.

Уйи Вашингтон билан Виржиниянинг чегарасида экан. Таклифига рози бўлиб, қадам ранжида қилдик. Бояги киши қўлига соз олиб, қорақалпоқча қўшиқ айтиб берди.

— Ҳамма нарсам бор, — деди у, — яхши яшайман. Ҳар куни Қорақалпоғистон тушларимга киради.

Бу ҳикояни айтишдан мақсадим қорақалпоқлар ҳамиша ҳамма ерда ўз илдизларини унутмайдиган халқ, тилини, динини унутмайдиган халқ.

— Жуда ҳам таъсирли ҳикоя экан. Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг дўстлиги, қардошлиги хусусида кўнгилдаги сўзларингизни изҳор этсангиз...

— Мен қизиқ бир далилларга дуч келдим. Улуғ Ватан уруши йилларида собиқ Иттифоқда овланадиган балиқнинг 10 фоизи Оролнинг ҳиссасига тўғри келган. Орол балиғидан тайёрланган консервалар фронтга юборилган. Ўзбеклар ва қорақалпоқлар фронтга кетганда шу консерваларни йўл қопчиғига солиб, йўлга тушган. Фронтдан ёзилган мактубларда ҳам, «Бизга Орол балиғини юборинг» деган сатрлар бўлар экан. Қарангки, тақдиримиз Орол билан ҳам боғланган экан! Тарихимизни қанча чуқур ўргансак, бу каби ажойиб мисолларга шунча кўп дуч келамиз. Буюк шоир Бердах «Мен Навоийдан савод очдим» деб ёзади. Ажабки қорақалпоқ бахшилари — жировлар ҳар бир тўйда «Гўрўғли»ни меҳр билан куйлаганлар. Куйлаганда ҳам ўзбекча куйлаганлар.

Айтаверсак қорақалпоқ адибларининг ўзбек адибларига ҳурмати жуда катта. Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаев Ойбек ижоди тажрибасидан ўрганганини ёзади. Тўлепберген Қаипбергенов ўзининг илк қиссаси «Совуқ бир томчи»ни машҳур адиб Абдулла Қаҳҳорга олиб келган. Абдулла ака ушбу қиссани таржима қилди. Китоб ҳолида чоп этилишига ёрдам берди. Мен бу воқеанинг гувоҳиман. Ажойиб шоир Ибройим Юсупов Ғафур Ғуломни ҳамиша миннатдорчилик билан эслайди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистонда илм-фаннинг ривожига катта ҳисса қўшди. Бугун қорақалпоқ фани ўзининг катта илмий қудратига эгадир. Мен ўзим ўтган йиллар ичида 20 га яқин қорақалпоқ олимларининг номзодлик, докторлик диссертацияларига оппонент, илмий раҳбар бўлдим.

Шунақа ажралмас, қадрдон, қардош халқларимиз ўзбек ва қорақалпоқ ҳатто қуда-анда бўлиб кетган.

— Сиз кўп йиллардан бери Оролни қутқариш комитетининг ранси сифатида ҳам фаолият кўрсатаяпсиз...

— Орол дарди бу ўзбекнинг ҳам, қорақалпоқнинг ҳам, туркманнинг ҳам дарди. Бу оламшумул масалани ҳал этишга Марказий Осиё давлатларининг Президентлари ҳам бош қўшдилар. Шу йил январь ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари Президентларининг йиғилишида Оролни давлат миқёсида ҳимоя қилиш ҳақида гап борди. 26 март куни Қизил Ўрда шаҳрида Оролга бағишланган йиғилиш бўлди. Оролни асраш халқаро фонди тузилди. Фондга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифи билан раис қилиб сайланди.

Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сессиясида сўзлаган нутқини эслайлик. У киши Орол муаммоси — олам муаммоси эканлигини айтиб, шу хусусда БМТ махсус комиссияси тузиш зарурлиги масаласини ўртага ташлади.

Бевосита Оролга келсак: денгизга бу йил 22 куб километр сув тушди. Сувнинг бир қисми Мўйноқ атрофидаги кўлларга ташланди.

«Сирдарё—93» экспедицияси Сирдарё дарёси бўйлаб юрганидан хабарингиз бор. Азалдан Сирдарё Турон заминининг қон томири ҳисобланган. Бизнинг ўтмишимиз, бугунимиз, эртамиз шу Жайхун ва Сайхун билан боғлиқ. Шу икки дарёни сақласак демак Орол ҳам сақланади.

Сайхун соҳилларида Форобий, Яссавий, Бобур, Шайбоний сингари буюк боболаримизнинг болалиги ва ёшлиги ўтган. Замондошларининг айтишларича амир Темур Сохибқирон Сайҳуннинг зилол сувларига тикилиб туриб, Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қуришни ният қилган эканлар.

Демоқчиманки, Сайхун — Сирдарёдан туркман ҳам, тожик ҳам, қозоқ ҳам, ўзбек ҳам, қорақалпоқ ҳам сув ичади. Шу сабаб уни мусаффо сақлашимиз Оролни қутқаришнинг илк одимидир. Орол ана шу халқлар учун биринчи навбатда зарур. Орол — онамиз. Оролни дўстлигимиз қутқаради.

— Пирмат ака, суҳбатимиз Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунлари ўтаётган кезларда бўлмоқда...

— Ушбу маданият кунлари икки халқ ўртасидаги метиндек дўстликни, қон-қардошликни янада теранлаштиради. Чунки инсон борди-келдисиз ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди. Ушбу қутлуғ кунларнинг аҳамияти шунинг учун ҳам ниҳоятда бебаҳодир.

Темур УБАЙДУЛЛО ёзиб олди.

* *Орол дарди—олам дарди*

ДЕНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛАМИЗМИ?

ҚОРАҚУМ билан Қизилқумнинг ва Устюрт пастте-кислигининг туташган жойида Орол денгизи ястаниб ётибди. Унинг ушбу минтақага қанчалар зарурлигини ниҳоятда кўп марта сўзлаб ўтдик. Денгизнинг қуриб қолган қисмида қумли, тузли ерлар пайдо бўла бошлади. Ҳозирги кеча-кундузда денгизнинг қуриб бориши давом этаверадиган бўлса, яна бир неча йилдан кейин майдони 40—50 минг квадрат километр келадиган Орол қумликлари пайдо бўлади.

Ўрта Осиёда 1960 йилдан бошлаб суғориладиган ерлар йил сайин кенгайиб борди. Дастлаб 4 миллион гектарни ташкил этадиган майдон бугун 8 миллионга етди. 480 минг квадрат километрдан иборат кенг минтақада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошновуз, Қизил Ўрда вилоятлари жойлашган. Бу ерда 3 миллион аҳоли яшайди. Оролнинг экологик аҳволининг ёмонлашуви дастлаб мана шу 3 миллион одамнинг тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Сўнгги йилларда денгизга йилига 10—12 куб километрдан сув тушмоқда. Сувнинг таркиби ниҳоят ёмон. Амударёга ҳам, Сирдарёга ҳам оқава сувлар, зовурларнинг сувлари тозаланмасдан ташланмоқда. Оқава сувлардан пайдо бўлган Сариқамиш, Арнасой, Судочье, Қоратерак кўлларида пестицидлар, гербицидлар миқдори жуда ҳам ошиб кетган. 1990 йилгача Амударё ҳамда Сирдарё суви орқали денгизга 35—40 миллион тонна ҳар турли тузлар келиб тушди. Бунинг ўзиёқ Орол денгизининг қай аҳволда эканлигидан далолат бериб турибди.

Ҳозирги кунда денгизнинг қуриб қолган қисмининг майдони 30 минг квадрат километрни ташкил қилади.

Орол бўйида пайдо бўлган бугунги хатарли экологик ҳолат ниҳоятда тезкорлик билан ҳаракат қилишимизни талаб этади. Бунинг учун олимларнинг фикрларини жамлаб, аниқ чора-тадбирларни белгиламоқ керак.

Назаримда Орол фожиасининг олдини олиш учун яқин икки йил ичида махсус тадбирларни ишлаб чиқмоқ зарур. Бунда барча технологик жараёнлар ишланмоғи, ҳам илмий, ҳам яхши таъминланган техника шай бўлмоғи керак. Иккинчи вазифа эса Оролга аниқ миқдорда сув тушиб туришига эришмоқ шарт. Орол денгизига йил сайин 30,5 куб километр сув тушиб турмоғи мақсадга мувофиқ. Албатта бу ишларнинг ўзи бўлмайди. Унга 20 миллиардлаб сўм маблағ талаб этилади. Лекин Орол бўйининг 3 миллион аҳолиси, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда қимматлидир.

Орол ҳақида гап кетар экан бир нарсани таъкидлагим келади. Амалий ишга ўтишнинг пайти аллақачон келди.

Расберген РЕИМОВ, биология фанлари номзоди.

МАЪЛУМКИ, нефтнинг ер остидаги миқдори чекланган. Шу боис нефть чиқариб олинган эски конларни қайта ишга солиш, яъни «тирилтириш» муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қатламларда қолиб кетган нефтларни ҳаракатга келтириш ва уларни чиқариб олиш имконини берувчи янгидан янги усуллар устида изланиш ҳозирги долзарб вазифалардан биридир.

Шу кунгача бу борада қилинаётган ишларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси — қатламлар қувватини ошириш мақсадида аксарият конларга сув ҳайдалади. Шунингдек, қатламга эритувчи ҳар хил ишқорли эритмалар ҳайдаш ҳозирги кунда кенг истиқболга эга бўлган усуллардандир. Бундай восита ёрдамида қатламнинг нефть берувчанлигини 0,6—0,7 гача етказиш мумкин. Аммо уларни кенг қўллаш иқтисодий томондан анча қимматга тушади. Иккинчиси — нефть олувчи қудуқлар атрофидаги коллекторлар (нефтга шимилган ўтказувчан тоғ жинслари)нинг қудуқ тубига нефть оқиб келишига қаршилик кўрсатиш хусусиятини камайтиришдан иборатдир.

* *Фойдали маъданларимиз*

Ишончли манба

Нефтнинг ёпишқоқлиги унинг ҳаракатига монелик қиладиган асосий омил бўлиб, айниқса қуюқ нефтларни чиқариш амри маҳолдир. Шунинг учун иложи борича ёпишқоқликни камайтиришга ҳаракат қилинади. Қудуқ туби ҳаракатини ошириш мақсадида унга тоғ жинслари, улар орасидаги мавжуд сув ва нефть билан кимёвий ўзгаришга киришиш натижасида иссиқлик ажратадиган моддалар ҳайдаш мумкин. Бундан ташқари қудуқ тўби атрофини иситиш учун қатламга иситилган сув, ўта иситилган буғ, иситилган газ (ҳаво) киритилади.

Кейинги 15—20 йил давомида қудуқ тубига электр иситгич асбоблари тушириш, қудуқ тубини электр қуввати билан иситиш ҳам кенг қўлланиладиган бўлди. Бундай усул парафинли нефтлар мавжуд жойларда анча қўл келади ва яхши самара беради.

Нефть чиқариш тажрибасида яна бир усул мавжудки, унинг келажаги бор десак янглишмаймиз. Бундай усул Ухта яқинидаги Ярег конида муваффақиятли қўлланилган. Уша кондаги нефть жуда қуюқ бўлиб, оддий йўл билан олиш деярли мумкин бўлмаган. Конни қазиб чиқариш мақсадида маҳсулдор қатламга тикка тушган шахта ковланган, унга етгач махсус пармалар ёрдамида қия ҳолатдан унча узун бўлмаган кичик қудуқлар қазилган. Маҳсулдор қатламдаги мавжуд қуюқ қатронли нефть коваклар орасидан ўша қудуқларга сизиб чиққан ва қия бўлганлиги туфайли штольняга оқиб келган. Унда ўрнатилган махсус тарновда йиғилиб, насослар ёрдамида юқорига чиқарилган. Бундай усулда нефть чиқарилганда қатламнинг нефть берувчанлиги 0,8 ва ундан ортиқ бўлиши кузатилган. Шу йўл билан Франция ва Канада нефтчилари ҳам иш юритиб, маълум муваффақиятларга эришганлар.

Республикамиз шароитида мазкур усулни қўллаш фойдадан ҳоли эмас. Шахта ковлаш вақтида чиққан тоғ жинсларини аксарият ҳолларда қурилиш материали сифатида ишлатса бўлади. Чунки кесмадаги тоғ жинслари кўпинча қум, қумтош, шағал ва оҳактошлардан иборат. Улар ҳеч қандай қайта ишловсиз қурилиш материали сифатида қўлланаверади. Шуни айтиб ўтиш зарурки, юқоридаги усулда нефть қазиб олиш учун унча чуқур бўлмаган конларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Шундай конлар қаторига Ўзбекистонда — Ёрқутон, Чимён, Полионтош, Ҳожиобод, Тожикистонда — Нефтобод, Ким, Қирғизистонда — Майлисой, Чангиртошлар киради.

Абдулла МАВЛОНОВ, Тошкент Давлат техника университети нефть ва газ факультети доценти.

* *Ҳар тўғрида*

Болалар адабиётининг машҳур намояндаси, швед ёзувчиси Астрид Линдгрен Швейцарияда дам олмоқда. Кўтаринки кайфиятдаги бу аёл суратчи эътиборини ана шундай нигоҳ билан жалб этди.

Кейстон суратч.

Ҳозирча ёнидан ўтиб қўя қоламиз. «Оёғи осмонда» бўлиш даражасигача менга ҳали эрта.

Сурат «Штерн» журналидан олинди.

РАТА—ТАСС.

Муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЕҚУБОВ.

ТИЖОРАТ ЭЛАНЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

1993 йил 25 декабрдан 1994 йил 10 январгача Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«ЦИРКДА АРЧА»

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ, ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ЦИРК ДАСТУРИ ВА ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.

ТОМОШАЛАР: 25, 26, декабрда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да; 27, 28, 29 декабрда соат 12.00 ва 14.00 да; 30, 31 декабрда соат 16.00 да;

1 январдан 9 январгача соат 16.00 да;

1 январда соат 10.00 да;

10 январда соат 12.00 ва 14.00 да БОШЛАНАДИ.

БИЛЕТЛАР 18 НОЯБРДАН БОШЛАБ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.

Қишлоқ томошабинларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.

Касса соат 9 дан 18.00 гача ишлайди.

КОРХОНА Тошкент шаҳридаги омбордан чет элда ишлаб чиқарилган юксак сифатли автосервис ва ташхисни аниқлаш ускуналарини **СОТАДИ:**

— мувозанатлаш дастгоҳи,
— автосервис учун махсус асбоб,
— гилдиракларнинг жойлашувини ростловчи кўтаргичсиз стенд,
— шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси,
— двигатель ишини
— текшириш мосламаси,
— микропроцессорли автотестер,
— СО, СНни аниқлаш.

Ҳақ тўлаш усули—турлича.
Олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан Тошкентдан буюртмачининг ўзи олиб кетади.

Манзилимиз: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона. Телефонлар: 34-25-81, 34-66-44.

«Ўзбекалоқаинвест» концернига қарашли Ўзбекистон Давлат алоқа лойиҳалаш институти жамоаси шу институт директори А. Х. Иноятовга онаси **Иранда Леонтьевна ГУСЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет. Қоғоз бичими А—2 Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—640. 17290 нусхада.